



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев</b> Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов</b> Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
<b>Ҳасан Абдусаитович Рахимов</b> Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
<b>Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov</b> Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Фароғат Болтаевна Шакирова</b> Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
<b>Азамат Абдукаримович Касимов</b> Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Тухта Даминович Маматкулов</b> Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
<b>Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova</b> Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
<b>Шаҳноза Суёновна Рузиева</b> Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева</b> Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
<b>Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов</b> Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Шодиёр Абдихалилович Султонов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
<b>Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva</b> O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
<b>Асқар Ахрорович Сиддиқов</b> Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

- Вид-во ДНУЗТ, 2009. – С. 185-191.
3. Романова А.А. Инновационный грузовой подвижной состав: технико-экономические параметры / А. А. Романова, Е. А. Жарова, В. А. Решетов, С. В. Хохлов // «ТРАНСПОРТ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ», № 3 (34) – 2011. – С. 185-191. <https://elibrary.ru/item.asp?id=17045746>
  4. Бадалян П.А. О динамике и расчете потребного парка грузовых вагонов // TRANSPORT BUSINESS IN RUSSIA, №4 – 2017. – С. 74-76. <https://elibrary.ru/item.asp?id=30458372>
  5. Леинова Ю.О. Определение потребного парка грузовых вагонов на транспортном рынке Республики Беларусь // Вестник ВГАВТ, выпуск 37, 2013. – С. 78-84. <https://elibrary.ru/item.asp?id=22846088>
  6. Rakhimov, R. V. The choice of directions for the development of the wagon fleet of the railways of Uzbekistan / R. V. Rakhimov // Journal “Transport of the Russian Federation” / St. Petersburg State University of Railway Transport. - 2018. №1 (74).
  7. Gulamov A.A., Egamberdieva Kh.A. Analysis of the impact of the development of innovative wagons on the indicators of railway operation. SNER 2022: International scientific-practical conference "Priority areas of sustainable development of the national economy in the context of increasing external risks". January 10, 2022.

<p><b>Х.Эгамбердиева</b></p> <p><b>Учет дополнительных факторов при определении парка вагонов в условиях железных дорог Узбекистана</b></p> <p><b>Аннотация:</b> одной из актуальных проблем является определение количества вагонов, достаточного для оперативной деятельности железнодорожного транспорта. В данной статье при разработке уникальной методики определения парка вагонов учитывались возможность выполнения грузовых рейсов по нескольким направлениям, статистический характер параметров железнодорожного транспорта, экономические риски использования парка вагонов. Для этого была создана модель в виде целевой функции через задачу оптимизации необходимого количества вагонного парка.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> вагонный парк, вагонооборот, финансовый риск, экономический риск, стохастическая модель, математическое ожидание, целевая функция, вероятность технологических рисков.</p>	<p><b>Kh.Egamberdieva</b></p> <p><b>Consideration of additional factors in determining the fleet of wagons in the conditions of the railroads of Uzbekistan</b></p> <p><b>Abstract:</b> one of the topical problems is determining the number of wagons sufficient for the operational activities of rail transport. In this article, when developing a unique methodology for determining the wagon fleet, the possibility of performing freight runs in several directions, the statistical nature of rail transport parameters, and economic risks of using the wagon fleet were taken into account. For this purpose, a model was created in the form of a target function through the task of optimizing the required number of wagon fleet.</p> <p><b>Keywords:</b> wagon fleet, wagon turnover, financial risk, economic risk, stochastic model, mathematical expectation, target function, probability of technological risks.</p>
---	--

**Асқар Ахрорович Сиддиқов** – СамИСИ катта ўқитувчиси

### УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

<p><b>Аннотация:</b> мазкур мақолада умумий овқатланиш корхоналарида инновацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ундаги иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда инновацияларни таснифлашнинг услубий масалалари ёритилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> стратегия, инновация, умумий овқатланиш соҳаси, инновацион салоҳият, инновацион фаоллик, стратегик инновациялар.</p>
---

**Кириш.** Ўзбекистон иқтисодиётидаги бозор ислохотлари натижасида умумий овқатланиш корхоналарининг замонавий турлари ва шакллари пайдо бўлди. Янги мулк шакллари, корхона турлари ва фаолият йўналишлари бевосита инновацион

жараёнларнинг ҳам жадаллашишига тўртки берди.

Умумий овқатланиш соҳасининг ривожланиши бир вақтнинг ўзида глобаллашув жараёнлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, янги хизмат турлари, миллий ошхона ва ресторанлар, таомлар, хизмат кўрсатишнинг янги турлари, мижозларнинг янги сегментларининг пайдо бўлишига олиб келди. Шу билан бирга мамлакатимизда фаолият юритаётган аксарият умумий овқатланиш корхоналари кичик бизнес субъектлари ҳисобланиб, молиявий ресурслар тақчиллиги боис талаб ортиши билан инновацион жараёнларнинг жадал суръатлар билан татбиқ этилиши бир-бирини инкор қилади. Чунки илғор технологик инновацияларни татбиқ этиш аввало молиявий ресурслар билан боғлиқ, франчайзинг тизимини қўллаш эса соҳа корхоналарида бир вақтнинг ўзида бошқарув ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, технологик ўзгаришларни ҳам амалга оширишни талаб этади. Шу боисдан ҳам умумий овқатланиш соҳасида инновацияларни бошқарув, ташкилий-технологик, ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Корхоналарни инновацион ривожлантириш муаммолари хорижлик иқтисодчи олимлардан, И.Ансофф<sup>1</sup>, К.Гроонросс<sup>2</sup>, П.Друкер<sup>3</sup>, Р.Каплан<sup>4</sup>, В.А.Сидякова<sup>5</sup>, Н.В.Баль<sup>6</sup>, В.В.Путинцев<sup>7</sup>, Е.Д.Конкова<sup>8</sup>, П.С.Беленец<sup>9</sup> ларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Ўзбекистонлик олимлардан умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини ошириш, сервис сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадқиқотлар Т.С.Шарипов<sup>10</sup>, И.Х.Шукуров<sup>11</sup>, Р.Ж.Курбонова<sup>12</sup>, К.М.Ибодов<sup>13</sup> ларнинг илмий изланишларида ёритилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид назарий тадқиқотларни ўрганишда индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, анализ ва синтез, мантикий таҳлил, моделлаштириш усулларида фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Инновацион жараёнлар миллий иқтисодиётнинг йирик сегментларидан бири сифатида умумий овқатланиш соҳасини ҳам қамраб олмақда. Биргина Самарқанд вилоятида сўнгги йилларда ушбу соҳанинг ўсиш суръати 20-25% атрофида бўлиб, тўйиниш даражасига етмаганлиги билан ҳам аҳамиятли. Ўсиш суръатларининг бундай юқори суръати ўз навбатида уйдан ташқарида овқатланиш

<sup>1</sup> Ансофф И. Стратегическое управление Текст / И. Ансофф. – Москва: Экономика, 2009. – 331с.

<sup>2</sup> Gronroos, C. Service Management and Marketing: Managing the moment of truth in the service sector / C. Gronroos. - Cambridge, Mass: Marketing Science Institute, 1990

<sup>3</sup> Drucker, P.F. Innovation and entrepreneurship / P.F. Drucker. – New York: Harper & Row, Publishers, 1985. – 278 p

<sup>4</sup> Каплан Р. Сбалансированная система показателей: от стратегии к действию Текст / Р. Каплан, Д. Нортон. – Москва: Олимп-бизнес, 2010. – 320 с.

<sup>5</sup> Сидякова В.А. Повышение качества услуг предприятий общественного питания: дис...канд.экон.наук: 08.00.05 /Сидякова Валентина Александровна.– г. Княгинино

<sup>6</sup> Баль Н.В., Романова Л.М. Инновационные подходы к управлению предприятиями питания // Экономический вестник Ростовского Государственного университета. Научный журнал. — Ростов-на-Дону, 2009, 7 том — № 3. — стр. 79-81.- 0,2 п.л.

<sup>7</sup> Путинцев В В Теоретико-методологические основы управления инновационным развитием предпринимательских структур общественного питания / В В Путинцев, Ю А Кармышев // Державинские чтения Ежегодная 12-я общероссийская научная конференция Спецвыпуск Материалы кафедры мировой и национальной экономики ТГУ им Г Р Державина / Кацук О А, отв ред - Тамбов Изд-во Першина Р В , 2007

<sup>8</sup> Конькова Е.Д. Логистическая оценка эффективности размещения предприятий общественного питания на территории крупнейшего города / Е.Д. Конькова, Ю.Г.Кузменко // Вестник ЮУрГУ Серия “Экономика и менеджмент” – 2009 №8(141) – Вып 9 –С 90-95

<sup>9</sup> Беленец, П.С. Мотивационное и стимулирующее влияние франчайзинга на повышение инновационности предпринимательства / П.С. Беленец, А.П. Латкин // Глобальный научный потенциал. – 2014. – №11(44). – С. 138–145.

<sup>10</sup> Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) и.ф.н дисс.автореферат: 08.00.05 / Шарипов Тўлқин Саидахмедович. - С.: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2010.- 25 б.

<sup>11</sup> И.Х.Шукуров. Ресторан сервисини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2021.-354 б

<sup>12</sup> Р.Ж.Курбанова. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш(Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат: 08.00.05 / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019.– 52 б.

<sup>13</sup> Ибодов, К. (2022). Ресторан хизматлари соҳасида инновацияларнинг таснифланиши. IQTISODIYOT va TA'LIM, 23(6), 74–79. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/815>

тенденциясининг ортиб бораётганлиги билан ҳам изоҳланади. Сўнги 10 йилликда энг паст ўсиш суръати 2020 йилда кузатилган бўлиб, йиллик ўсиш суръати атиги 0,1% ни ташкил қилди. Мазкур даврда соҳадаги 42,9 % корхона ўз фаолиятини тўлиқ тўхтатишга мажбур бўлди ва кўрилган зарар миқдори 25,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди<sup>1</sup>. Бундай шароитда умумий овқатланиш соҳасининг ўсиш суръатларини тезда тиклашга қаратилган бошқариш ва маркетингнинг замонавий усул ва шакллари жорий этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва тадқиқотлар уларнинг инновацион салоҳиятини ошириш, инновацион ривожланиш масалаларини тадқиқ этиш жуда долзарблашмоқда. Шундан келиб чиқиб инновация ва инновацион жараёнларнинг умумий овқатланиш соҳасига хос хусусиятларини очиб бериш муҳим ҳисобланади.

Умумий овқатланиш соҳасида инновация ва инновацион жараёнларни бошқаришга қаратилган бўлиб, унинг фикрича инновациялар иқтисодиётнинг барча соҳаларини, шу жумладан умумий овқатланиш соҳасини ҳам қамраб олади. Умумий овқатланишда инновацияларни таснифлаш асосидагина унинг энг муҳим жабҳаларини ёритиб бериш мумкин. Бизнингча, умумий овқатланиш соҳасида корхоналар ва иқтисодий жараёнларнинг ягона таснифлаш тизими мавжуд эмаслиги, корхоналарнинг янгидан-янги шакллари ва турлари пайдо бўлаётганлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Умумий овқатланиш соҳасида инновациялар – янги маҳсулотни ўзлаштириш ёки мавжуд маҳсулотларда сифат ўзгаришларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, овқатланишни ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида янги техника ва технологияларни қўллаш, сотиш ва товар ҳаракати тизими (омборлар, етказиб бериш ва сотиш)нинг янги каналларини ташкил қилиш, инсон меҳнатидан фойдаланиш ва уни ташкил қилишнинг янги шаклларида фойдаланиш, менежмент ва маркетинг, молиявий ва бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш, пул маблағлари ва молиявий ресурслардан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш, таъминотчилар, рақобатчилар, маҳаллий бошқарув органлари ва истеъмолчилар билан ҳамкорликнинг замонавий усулларини қўллаш ҳамда ривожланишнинг янги йўналиши кабиларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, амалда барча жабҳаларда инновацион ўзгаришларни амалга оширишнинг имконсизлиги, рақобатчилар, маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорлик муносабатларида ўзгаришларни амалга ошириш кўп жиҳатдан корхона фаолияти билан боғлиқ эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз.


Умумий овқатланиш соҳасида инновациялар ва инновацион жараёнларни изоҳлашда аввало товар ҳаракатига урғу бермасдан, овқатланишни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш билан ҳам чекланиши мумкинлигини эътиборга олишимиз лозим.

Бугунги кунда умумий овқатланиш соҳасида инновация аввало франчайзингга асосланиб, соҳа корхоналарининг тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириши, янги билим малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга, овқатланиш хизматлари кўрсатишда сифат ва касб маҳоратига янгича ёндашишга асосланади. Шу билан бирга франчайзинг асосида бозорнинг янги сегментларини ўзлаштириш асосида рақобатни ривожлантириш, инновацион бизнес-стандартларини жорий этиш мумкин бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда умумий овқатланиш соҳасида инновацияларни таснифлашни инновацияларнинг технологик, амалга оширилиши, соҳанинг инновацион салоҳияти, инновацияларнинг янгиланиш даражаси ва инновацион фаоллик мезонлари асосида таснифлаш соҳанинг тизимга хос жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш имконини беради (1-расм).

Инновацион бошқарув масалаларига ёндашган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз корхоналарида бошқарувга оид инновацияларга етарлича эътибор қаратилмасдан келинмоқда. Бироқ, корхоналарнинг стратегик ривожланиши кўп жиҳатдан техник ва технологик инновацияларга боғлиқдир. Бу инновация нафақат техник ёки иқтисодий тушунча, балки бошқарувга оид жараёнларни ҳам ўз ичига олган ҳолда

<sup>1</sup> Ибодов, К. Самарқанд вилоятида ресторан хизматлари соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари. "ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали III СОН. 2022 й.284-290.



1-расм. Умумий овқатланиш соҳасида инновацияларнинг таснифланиши<sup>1</sup>

ўзига хос ички бошқарув, ишлаб чиқаришни бошқариш, ходимларни бошқариш усул ва услублари ҳамдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион фаолияти инновацияларга асосланган мақсадларнинг белгиланганлигига инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда бошқарув тизимининг инновацион стратегияга мувофиқ ҳолда мослаштирилишига имкон беради.

- умумий овқатланиш корхоналари фаолияти хилма-хил бўлиб, улар тури ва тоифаси, функционал хусусияти, бозорни қамраб олиш даражаси, мижозлар иштироки каби мезонлар бўйича ишлаб чиқариш, тақсимлаш, овқатланишни ташкил қилиш, хизматлар кўрсатишни амалга оширади. Бу эса соҳада инновацион жараёнларнинг ҳам

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

мураккаб характерга эга эканлигини, инновацияларни таснифлаш мезонларининг ҳам жуда кенглигини амалда кўрсатиб беради.

- умумий овқатланиш соҳасининг замонавий бозор сегментлари юқори ўсиш суръатлари ва бозор улушига эга эга бўлган ҳолда инновацион жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш имконини беради.

- Умумий овқатланиш соҳасида инновацияларнинг таснифланишини инновацияларнинг технологик ва инновацион фаоллик мезонлари асосида кенгайтириш соҳада инновациялар моҳиятини тўлақонли ёритиш имкони беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ансофф И. Стратегическое управление Текст / И. Ансофф. – Москва: Экономика, 2009. – 331с.
2. Gronroos, C. Service Management and Marketing: Managing the moment of truth in the service sector / C. Gronroos. - Cambridge, Mass: Marketing Science Institute, 1990
3. Drucker, P.F. Innovation and entrepreneurship / P.F. Drucker. – New York: Harper & Row, Publishers, 1985. – 278 p
4. Каплан Р. Сбалансированная система показателей: от стратегии к действию Текст / Р. Каплан, Д. Нортон. – Москва: Олимп-бизнес, 2010. – 320 с.
5. Сидякова В.А. Повышение качества услуг предприятий общественного питания: дис...канд.экон.наук: 08.00.05 /Сидякова Валентина Александровна.– г. Княгинино
6. Путинцев В В Теоретико-методологические основы управления инновационным развитием предпринимательских структур общественного питания / В В Путинцев, Ю А Кармышев // Державинские чтения Ежегодная 12-я общероссийская научная конференция Спецвыпуск Материалы кафедры мировой и национальной экономики ТГУ им Г Р Державина / Кацук О А, отв ред - Тамбов Изд-во Першина Р В , 2007
7. Конькова Е.Д. Логистическая оценка эффективности размещения предприятий общественного питания на территории крупнейшего города / Е.Д. Конькова, Ю.Г.Кузменко // Вестник ЮУрГУ Серия “Экономика и менеджмент” – 2009 №8(141) – Вып 9 –С 90-95
8. Беленец, П.С. Мотивационное и стимулирующее влияние франчайзинга на повышение инновационности предпринимательства / П.С. Беленец, А.П. Латкин // Глобальный научный потенциал. – 2014. – №11(44). – С. 138–145.
9. Мирзаев Қ.Ж., Мусаев Б.Ш., Ташматов Ш.У., Сиддиқов А.А. Ресторан менежмент. Дарслик. – Т.: “INNOVATION RIVOJLANISH” NASHRIYOT MATBA’A UYI”–2021, 500 б.
10. Т.С.Шарипов. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) и.ф.н дисс.автореферат: 08.00.05 / Шарипов Тўлқин Саидахмедович. -С.: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2010.- 25 б.
11. И.Х.Шукуров. Ресторан сервисини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2021.-354 б
12. Р.Ж.Курбанова. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш(Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат: 08.00.05 / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019.– 52 б.
13. Ибодов, К. (2022). Ресторан хизматлари соҳасида инновацияларнинг таснифланиши. IQTISODIYOT va TA'LIM, 23(6), 74–79. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/815>
14. Сиддиқов А. А. Умумий овқатланиш соҳасида нархларни эконометрик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – С. 21-24.

<p><b>А.Сиддиқов</b></p> <p><b>Классификация инноваций на предприятиях общественного питания</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье рассмотрены методологические вопросы классификации инноваций с учетом специфики инновационных процессов и экономических отношений сфере общественного питания.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> стратегия, инновации, индустрия общественного питания, инновационный потенциал, инновационная деятельность, стратегические инновации.</p>	<p><b>A.Siddikov</b></p> <p><b>Classification of innovations in catering establishments</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article discusses the methodological issues of innovation classification, taking into account the specifics of innovation processes and economic relations in the field of public catering.</p> <p><b>Keywords:</b> strategy, innovation, catering industry, innovation potential, innovation activity, strategic innovation.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023